

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари  
вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ  
ОЛИЙ МАКТАБИ

*“Хореография” кафедраси*

Ўзбек рақсини ўқитиш назарияси ва услуги  
фанидан

# МУСТАҚИМ ИШ

**Мавзу:**

Уйғур халқ рақс санъати мактаби  
асосчилари Ўғиллой Мухамедова, Қамбархоним ва  
Флорида Низамутдиноваларнинг ижодий фаолиятлари

Топширди: “Хореография-педагогикаси”  
йўналиши 3 курс талабаси  
Сафарова Дилноза  
Қабул қилди хореография каф. катта  
ўқитувчиси М. Махмудова.

Тошкент 2015 йил

# РЕЖА.

1. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Уйғур рақс санъати” ўқув қўлланмаси муалифи Ўғилой Мухамедованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.
2. Уйғур халқ рақс санъати мактаби асосчиси Қамбархонимнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.
3. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Флорида Низомутдинованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.

# Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳамедова Ўғилой Низомовнанинг хаёти ва ижодий фаолияти



Истеъдодли раққоса, моҳир балетмейстер, талабчан педагог Ўғилой Муҳамедова 1951 йил 15 майда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган.

1957-1964 йиллар Тошкент шаҳридаги 109-ўрта мактабни, 1964-1968 йиллар Тошкент Давлат хореография билим юртини, 1977-1968 йиллар А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг «Методист-ташкilotчи» бўлимини тугатди.

1968-1988 йиллар мобайнида “Баҳор” ансамблида раққоса бўлиб фаолият юритди. 1979 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлди.

“Баҳор” ансамблида йигирма йиллик иш фаолияти давомида раққосангиз усталарининг Ўзбекистон халқ артистлари М. Турғунбоева, Қ.Миркаримова сахналаштирган бир қанча яққа ва оммавий раққосларини маромига етказиб ижро этган, шу билан биргаликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Исматова билан ҳам ҳамкорлик қилган.

У 1989-1991 йилларда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошида ташкил этилган «Булбулча» болалар хорида раққос сахналаштирувчи, 1991-1992 йилларда театрлашган «Тановар» ансамблида балетмейстер, 1992-1997 йилларда Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 260-сонли ўрта мактабда раққос тўғараги раҳбари лавозимида ишлаган.

Эндиликда талабчан раҳбар ўз бой тажрибасини ёш авлодга ўргатиб келмоқда. «Наврўз», «Мустақиллик», «Шарқ тароналари», Қарши шаҳрида Умумхалқ Наврўз байрами, Бухоро шаҳрида ўтказилган универсиада, Термиз шаҳри байрам тантаналарида сахналаштирувчи балетмейстер сифатида ўз маҳоратини намоён этди.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида фаолият юритаётган «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари», Тошкент Давлат божхона олийгоҳи қошидаги «Ўзбегим ёшлари» ансамблида балетмейстер вазифасида фаолият юритиб келди.

М. Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказиладиган ҳар йилги «Раққос маликаси» кўрик танловида хайъат аъзоси саналади.

Ҳозирги кунда теран фикрли, профессионал маҳорат сирларини мукамал эгаллаган, меҳрибон ва талабчан мураббий Тошкент Давлат миллий раққос ва хореография Олий мактабида «Хореография» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ў.Мухамедова учун энг қимматли ва қадрли бўлган устози Мукаррама Турғунбоева кўз олдида гавдаланади ҳамда шундай дейди: Устозимизнинг “Баҳор” кизларига бўлган оналарча меҳрибонликларини яна қайта ҳис қиламан. Репитициялар, сахна ортидаги хаяжонлар, сахнадаги ижро, концертдан кейинги ширин чарчоқлар, ҳаётимнинг бир бўлагига йўлдош бўлган “Баҳор” ансамблининг қизлари: Равшаной Шарипова, Мухтабар Йулдашева, Тамара Сагирова, Гулсум Ҳамраева, Дурдона Зияханова, Насиба, Маъмура, Гулчехра, Гулнора, Нурхон, Зиёда, Жонон Сайёра, Флоридаларнинг ҳар бири ўзгача олам саналган. Шу лаҳзада қадрдон дугоналаримдан бири Флорида ҳаёлимдан ўтди. Унинг тимсолида уйғур қизининг ҳаёсини, ибосини кўраман. Флоридани ҳаётга ўзгача назар билан қарайдиган, теран фикрли, рақс санъати соҳасида ўта тиришқоқ, қобилиятли, камтар аёл сифатида кўриш мумкин..

Кунларнинг бирида Урумчи шаҳридаги Шинжон Санъат институти Уйғур санъати рақс бўлимида Қамбархоним бошчилик қилган даврдан ишлаган шу институт доценти Зайнаб Собит ўз таклифи билан Уйғур Санъат институтининг раҳбариятига киради.

Ў.Мухамедова эса Ўзбекистонда рақс санъатини ўрганиб, бу ерга келиб ўзбек рақс санъатини ёшларга ўргатиб келди. Ўзбек рақсини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Ўзбекистонга махсус таклифнома юбориб, ўзбек рақс мактаби ва мерос рақсларини ўргатувчи мутахассисларни чақиртириш лозим деб сўраганлар.

Ўзбек рақсининг беқиёс рақсларини ўргатиш мақсадида машҳур “Баҳор” ансамблида ишлаган, устози М.Турғунбоевнинг рақсларини ўзлаштириб олган, уйғур рақс санъати бўйича илк таълимини ўзларининг институтида олган севимли шогирдларидан бўлмиш Флорида Низомутдиновани ҳамда у орқали ўзбек рақси ва унинг мактабларини тўлиқ биладиган, ўргата оладиган етакчи мутахассис сифатида Ў.Мухамедовани тажриба алмашиш мақсадида ишга таклиф қилишларини сўрайди.

Бу таклифни институт раҳбарияти хурсандчилик билан қабул қилган. Ф.Низамутдинова ва Зайнаб Собит Ўзбекистонга ташриф буюради. Биз Флорида билан Зайнаб Собит Ў.Мухамедова иш фаолиятини олиб бораётган миллий рақс ва хореография олий мактаби раҳбари Г.Р.Ҳамраева билан суҳбатлашиб таклиф киритади. Г.Р.Ҳамраева Шинжон Санъат институти таклифини мамнуният билан қабул қиладилар ва уларни қўллаб-қувватлайдилар.

Шундай қилиб, 2003 йил октябрь ойида Ф.Низамутдинова билан Урумчи шаҳридаги Шинжон Санъат институтида Уйғур рақс санъати бўлимида тажриба алмашиб катта таассуротлар билан қайтади. У ерда уйғур санъати рақс бўлими бошлиғи Дилъра бошчилигида иш олиб борилади.

Ў.Мухамедова еттита синфга ўзбек рақсининг Фарғона, Бухоро, Хоразм мактаблари қўл, оёқ ҳолатлари, ҳаракатларини ургатади. Флорида

билан биргаликда М.Турғунбоева сахналаштирган ўзбек рақс дурдоналаридан бўлган “Баёт”, “Катта ўйин”, “Давра”, “Бухороча”, “Хоразмча”, “Дилхирож”, “Соқиномаи савти калон”, “Тожиқча” рақсларни ўргатдик. Рақс кийимларининг эскизларидан намуналар беради.

Флорида билан биргаликда икки ой мобайнида олиб борган ишларнинг натижаси сифатида институт раҳбарияти ва устозларга бир ярим соатлик катта дастур тайёрлаб топширади.

Улар ўз навбатида уйғур халқ рақс санъати билан имкон даражасида танишади ва институтдаги уйғур санъати рақс бўлими ўқитувчиларидан Турсунгул, Ойшам Қурбон, Диляраларнинг дарс ўтиш услубларини ўрганади.

Уйғур рақс мактаби ҳақидаги маълумотларни йиғишда Ў.Мухамедовага Санъат институтини битирган, ҳозирда рақс коллежи ўқитувчиси Наҳиса Абдурасул кизи яқиндан ёрдам беради. Сафари якунида устоз Зайнаб Собит ва Ў.Мухамедова билан бирга ишлаган барча ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирган ҳолда Ўзбекистонга қайтганидан сўнг Ф.Низомутдинова Ўзбекистонда ҳам ёшларга уйғур халқ рақс мактабини ўргатишни йўлга қўйиш мақсади борлигини, ўз мақсадини устози Зайнаб Собитга етказди ва устозини ўзи ва бошқа устозлар унинг бу фикридан боши осмонга етганлигини айтади.

Уйғур рақси жуда гўзал, нафис ва юмшоқ қадамлар билан ўйналадиган, оёқ-қўллари бир-бирига жуда мослашган рақслардир. Уйғур рақс санъати асосчиси Қамбархоним кейинги авлодни тарбиялаш мақсадида махсус рақс мактабини ташкил қилдилар ва ўқув дарслигини яратиб, ўзи ҳам уйғур рақсларидан ёшларга сабоқ берадилар.

Қамбархоним кўлида ўқиган шогирдлари уйғур халқининг ҳурматиغا сазовор бўлган, мамлакатда ва бутун жаҳонга таниқли артистлар бўлиб етишиб чиққан. Марям Носир, Холчам Сиддик, Райҳон Облизлар қаторида Флорида ҳам бор.

Флорида мукамал тузилган уйғур рақс дарслигини тўлиқ ўзлаштирган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон сахналарида уйғур рақсларини маромига етказиб ижро этиб ўзбек халқига кенг таништириб, элнинг олқишига сазовор бўлган.

Ўзбекистонда уйғур рақс мактабини ўргатиш ишини йўлга қўйишдек катта ишни бошлаган шу институтнинг кафедра мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ў. Мухамедовадан ҳамда шогирди Ф.Низомутдинованинг хизматлари беқиёсдир.

Бу ишдан сўнг Ў.Мухамедова маъсулиятли вазифани олганлигини чуқурроқ ҳис этадим. Чунки, “ҳар бир халқ рақс санъати ўзининг тарихига, мактабига, бой меросига эгадир” деб таъкидлайди.

Бу рақсларнинг бузиб ижро этилишига йўл қўйилмаслик лозим. Бунинг учун эса, албатта, рақс санъати мактабини чуқур ўрганиш керак.

Шу сабабли Ў.Мухамедовада уйғур халқ рақс санъати мактабини ўргатиш учун ўқув-қўлланма яратиш зарурати туғилди.

Флориданинг уйғур рақс санъати бўйича олган чуқур билими, ижро маҳорати, Ўзбекистонда саҳналаштирган рақслари, тўплаган маълумотларини таққослаб, уйғур санъат институтида кўрганлари ва ўрганганлари унга мос тушди. Уйғур халқ рақс санъати ҳақидаги фикрлар, маълумотларни тўплаб Ў.Мухамедова ўқув қўлланма яратишга қатъий киришди.

Ў.Мухамедова ўз фикр ва мулоҳазаларини, мақсадларини устози профессор Розия Каримовага билдиради, улар оқ фотиҳа бериб, устоз санъаткор, уйғур санъати билимдони, пешвоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисахон Қодированинг фикрлари ва институт ректори Г.Р.Хамраеваларнинг ёрдами билан мазкур китобни яратишга киришади.

Изланишлар натижасида ҳозирда уйғур рақс санъати тарихи билан таништирувчи, рақс ҳолатлари ва ҳаракатларини, рақс турларини ўргатувчи биринчи “Уйғур рақс санъати” деб номланган ўқув-қўлланма яратилди.

Бу ўқув-қўлланмага Ў.Мухамедовага яқиндан ёрдам берган, ўз қимматли маслаҳатларини аямаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Флорида Низамутдинованинг билими, фикрлари, тўплаган маълумотлари асос бўлди.

Ў.Мухамедова уйғур рақс мактаби ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб, шу асосда уйғурча қўл, оёқ ҳолат ва ҳаракатларини ишлаб чиқиб бир тизимга солди. Ҳозирги кунда ушбу қўлланмадан талабалар кенг фойдаланилиб келинмоқда.

## Уйғур халқ рақс санъати мактаби асосчиси Қамбархоним хаёти ва ижодий фаолияти



Қамбархоним онасини биринчи устози деб билади. Чунки онаси моҳир раққоса бўлганлиги боис қизига уйғурча рақсларни ижро этиб берар эди. Шундай вақтларда у уйғур халқ рақс санъатини кунт билан ўрганишни дилига тугиб қўйган эди.

Қамбархоним уйғур халқининг машҳур созанда, хонанда ва бошқа санъаткорлари орасида ўз хурмат-эътиборига эга бўлган раққоса бўлган. Унинг фикру хаёли ўзининг севган касбида эди.

Москва мусиқа ва рақс институтидан уч киши ноёб истеъдод эгаларини танлаш учун Тошкентга келадилар. Бундай имкониятни бой беришни ҳеч қайси раққоса хоҳламас эди. Танловга қатнашган қирққа яқин қизларнинг ичидан учта қизни танлаб оладилар. Уларнинг ичида Қамбархоним ҳам бор эди. Москвада ўқиш Қамбархонимни бир томондан хурсанд қилса, иккинчи томондан ўйлантириб қўйди. Чунки Қамбархонимни севган касбини деб оила ва боладан йироқлашиш ёки оилани ўйлаб касбидан воз кечиш муаммоси қийнар эди. Негаки, унга шараф келтираётган раққосалик касби ундан ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада ўрганишни, олға интилишни, янгилик яратишни талаб қиларди.

Москвада машҳур ва атоқли санъаткорлардан ўрганиб, рақс санъатида юксак муваффақиятларга эришиши, янада камолга етишиши мумкин эди. Лекин қизи ёш бўлганлиги учун онасига ташлаб кетишни ҳам истамасди. Қамбархоним ўз муаммоларини Москвадан келган мутахассисларга маълум қилади. Улар эса бу муаммони ечиб, қизи ва онасини ўзи билан бирга олиб кетиши мумкинлигини, синглисини эса

ўқишга жойлаштиришни таклиф қиладилар. Уларнинг таклифи турмуш ўртоғи Қодир Афандига ҳам маъқул келади.

Москва мусиқа ва рақс институти жуда кўплаб истеъдодли санъаткорлар келиб ўқийдиган даргоҳ бўлган. У ерда Қамбархонимга донғи бутун жаҳонга кетган балет усталари, профессорлари таълим берарди. Сочлари сарғиш, кўзлари кўк ўқувчи кизлар орасида Қамбархоним алоҳида ажралиб турар эди. У ҳақиқий уйғур кизи эди. Қамбархоним нотаниш элда бошқалардан қолмаслик учун тиришиб, талабчанлик билан илм олди. Агар тиришиб ўқимаса, ўзи билан бирга ўқийдиган қизларга етишиб олиши қийин бўлишини билар эди. Бу ерда русча рақс, балет ва жаҳон халқларининг рақслари ўргатиларди. Ҳар миллатнинг ички қиёфаси, ҳаракатлари, ҳиссиёти, психологияси ифодаланадиган рақсларни ўрганиш қийин бўлсада, Қамбархоним уларни ўзлаштириш учун тинимсиз меҳнат қилди. У бир тарафдан ўқиб билим олган бўлса, иккинчи тарафдан рақс сахналаштиришни бошлади.

Хуллас, Москвадаги ҳаёт унинг учун унутилмас кунлар бўлиб қолди. Кремлда курултой қатнашчиларига атаб уюштириладиган концертда қатнашишга муяссар бўлди. Бу концертда атоқли балет устаси Галина Уланова билан бирга бир сахнада рақс ижро этди. Қамбархонимнинг онаси Зўрихон қизининг сочларини майдалаб ўриб, уйғурча рақс кийимларини кийдириб, унинг атрофида парвона бўлди. Бир тарафдан қизининг бахтидан, омадидан хурсанд бўлса, бир тарафдан қизининг рақси томошабинлар томонидан қандай кутиб олинар экан, деган андишада эди.

Ниҳоят, сахнага чиқиш навбати Қамбархонимга келди. “Қашқар кизи Қамбархоним “Нимпада” рақсини ижро этади”, деб эълон қилинди ва томошабинларнинг кўзлари сахнага тикилган. Қамбархоним ёқимли мусиқа садоси остида сахнага чиқди. Унинг толҳивичдай беллари, сарвдек қомати, узун сочлари, ёқимли қиё боқишлари томошабинларни ўзига ром қилди. У оҳудек енгил, ларзон қиёфада, хон қизларига хос савлат билан рақсни давом эттиради. Рақс тугади, Қамбархоним томошабинларга чуқур таъзим қилганда олқиш садолари узоқ давом этди. Томошабинларнинг талаби билан яна бир рақс, ўзбекча “Сохта уфори” рақсини ижро этди.

Мухлисларнинг олқиши раққосани ҳамиша илҳомлантириб келди. У ўз рақслари билан уйғур миллатини, санъатини ва рақсларини халққа танитди. Атоқли тилшунос, тадқиқотчи Эмин Турсун Ҳожи



Қамбархонимнинг Москвадаги фаолияти ҳақида шундай дейди: “Қамбархоним Тошкент рақс мактабида рақс, Москвада балетни ўрганган, Россияда бир хужжатли фильм ишланган экан, мен шу фильмни кўрганман. Бу фильм “Катта концерт” бўлиб, унда жуда кўплаб машҳур артистларнинг номерлари бор. Улар орасида Қамбархонимнинг уйғурча “Нимпада” ва ўзбекча “Сохта уфори” рақсларини ижро этганини кўриб жуда қаттиқ таъсирландим.”

Қамбархоним Тошкент, Олма-Ота, Москва каби кўплаб шаҳарларда ўқиган ва хизмат қилган буюк санъаткор ҳисобланади. 1951 йилда Қамбархоним Шинжон Санъат институтида Уйғур рақс санъати бўлимини очиш мақсадида “Уйғур рақс дарслиги”ни яратди. Ушбу дарслик асосида 1951-1955 йилларда Шинжон Санъат мактабида доцентлар Зайнаб Собит, Раъно Махсуд, Салима Ўразлар “Санъат мактаби рақс дарслиги”ни яратдилар. 1960 йилда Облимит Иляс, Абдурахмон Ахат, Облимит Аамат, Зайнаб Собит, Омина Ғоли тузган “Рақс касби дарслиги”га асосланиб рақс мактаби тузилди.

Яратилган ушбу дарсликлар Санъат институт, санъат мактаблари, ашула ва рақс ансамбллари, артистлар етиштирувчи курслар учун бекиёс қўлланмалар бўлиб қолди. Қамбархоним ташаббускорлигида ташкил этилган Шинжон рақс санъати мактаби ва Шинжон Санъат институтидаги Уйғур рақс санъати бўлимида жуда кўплаб иқтидорли раққосалар етишиб чиқиб, рақс ансамбллари тузилди. Олис шаҳарларда концерт беришда Қамбархоним ёши улуг бўлишига қарамай уларга ҳамроҳлик қилар эдилар. Шундай концертларнинг бирида ансамбль Турпан, Тўқсун, Корла, Кучар шаҳарларида бўлади. Концерт охирида Қамбархонимнинг номи эълон қилинишидан токи рақс тугагунича тинимсиз олқишлар давом этиб турган.

Қадимги рақс сахналаштириш фаолиятини эслаб, Турсун Тўхта Афанди шундай хотирлайди: “Қамбархоним рақси икки дақиқалик бўлса-да, икки соат олдин келиб гримм қилиб, рақсини машқ қилиб олар эди. Унинг томошабинларга бўлган ҳурмати бошқаларга ўрнак эди.”

1992 йил 25 декабрда Урумчи шаҳрининг катта халқ саройида “Қамбархоним Санъат жамияти” фонди ташкил этилишининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда буюк, атоқли уйғур санъаткорлари иштирок этдилар.

1994 йил 13 январ куни Қамбархоним мангу уйқуга кетди. Уйғур халқи ва санъат аҳли уйғур халқ рақс санъати асосчиси, атоқли рақс

## Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Флорида Низомутдинованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти

Флорида Низомутдинова ҳақида профессор Розия Каримова: “Флорида уйғур рақсининг Ўзбекистондаги юлдузидир” деб бежиз таъриф бермаганлар. Рақс санъати шайдоси Флорида 1949 йилда Ғулжа шаҳрида туғилган. У ёшлигиданок рақсга меҳри боғланганлиги сабабли рақс санъати йўлига қадам ташлади. Рақссиз келажagini тасаввур қила олмайдиган Флорида дастлаб мактабда, кейин Ғулжадан Урумчига келиб, Шинжон Санъат институтининг Уйғур санъати “Уйғур рақси” бўлимида уйғур рақс санъати



мактабининг асосчиси Қамбархоним ва унинг шогирдлари, доцентлар Зайнаб Собит, Салимахоним Ўраз, Раънохоним Махсуд таълимини олди. Ўқишни битириш арафасида ота-онасининг қистови билан Урумчидан Ғулжага қайтади. ва “Санъатдан кетдим шекилли, деган фикр билан каттиқ афсусланади. Кейин Яркат шаҳрида яшаган вақтларида каттиқ йиқилади, аммо оғриқни сезмайди. Аксинча, “Рақс, рақс, рақс” деб урадиган юрагида шилиниш натижасида қолган юзидаги доғларни кўриб, “Хунук бўлиб қолдим, энди раққоса бўла олмайман” деган кўрқув пайдо бўлади. 1963 йилда ота-онаси билан Қирғизистонга кўчиб келади. Шу йили Фрунзе, ҳозирги Бишкек шаҳрида уйғур ёшларидан ташкил топган санъат ҳаваскорларининг ансамблида ишлай бошлайди. Концертларда рақс ижро этиб юришларидан ҳам қониқмаган Флорида “Энди катта сахналарга чиқа олмасмиканман”, деб афсус ва надоматлар чекади. Аммо орзулари уни ҳамон катта сахна томонга чорларди. У ўзининг мақсади йўлидан қайтмади.

Бу ишда унга куч берган нарса бу, болалигидан юрагига маҳкам ўрнашиб олган рақс санъатига бўлган меҳри эди. Бундай кучли меҳр Оллоҳ томонидан муносиб тақдирланиб, Флоридани М.Турғунбоевадай буюк инсон билан учраштирди.

М.Турғунбоева билан учрашган куни Ф.Низомутдинова - ҳаётидаги энг бахтли куни бўлади. “Баҳор” ансамблининг Фрунзе шаҳрига келиши Ф.Низомутдинова учун унутилмас кунлар бўлиб қолган. Чунки

М.Турғунбоева билан учрашишдек кўп йиллик орзуси амалга ошишидан жуда бахтли, шодлиги оламга сиғмас эди.

Бу учрашувни Ф.Низамутдинова шундай хотирлайди:

“Баҳор” ансамбли уч кун концерт берган эди. Мен ҳар куни уларнинг концертига машаққатлар билан чипта топиб, такрор-такрор кирдим. “Баҳор” ансамблининг моҳир раққосалари ижро этган ўзбек рақс санъатини мароқ билан томоша қилдим. Биринчи куни томошабинлар қаторида зўр ҳаяжон билан ўтирган эдим. Саҳнага қадди-қомати келишган раққоса чиқиб, кенг дойра ҳосил қилиб, узоқларга кўз тикар, умидворлик билан ним табассум қилиб ниманидир қидирар эди. Шу дамда мен ўзимни унутиб қўйган эдим. Бу аёл М.Турғунбоева экан. Залда ўриндиқларга сиғмай зиналарда турган томошабинлар “Баҳор” ижро этаётган рақсларни олқишлар эдилар. Мен эса фикру хаёлимда ўзимни “Баҳор” раққосалари билан саҳнада ҳис қилдим. Ҳаётимда биринчи марта қийин вазиятга тушишим эди. Эртасига концертдан олдин, уларнинг репетиция пайтида юрагимнинг тубидан жой олган, менга тинчлик бермаётган орзуимни билдиришнинг айна вақти эканлигини сездим.

Учрашмасам охириги умидимдан ҳам айрилишимни билдим ва ўзимда куч топиб, саҳна ортига ўтиб машҳур раққоса М.Турғунбоева билан учрашишга қатъий қарор қилдим. Саҳна ортига чиққанимда репетициядан чарчаганига қарамай унга тикилиб турганимни сезиб, “Сиз раққосамисиз?” деб сўрадилар, мен билан самимий суҳбатлашдилар. Мақсадим ва орзуларимни жон қулоқлари билан тингладилар.”

Бу унутилмас суҳбат сўнгида М.Турғунбоева қизга, унинг нозик бармоқлари, хуш табассумига синчиклаб қараб, интиқлик билан ўзидан жавоб кутаётганини сезгач, уни бир синаб кўришини айтдилар. Флорида М.Турғунбоева олдида катта имтиҳондан ўтди. Оллоҳ “Энг охириги имконият, шундан фойдалан” деб юрагига солди ва унга куч-қувват, илҳом берди. “Баҳор” ансамблининг 40 та раққосаси, созандалари, хонандалари олдида текшириб олганларида ҳаяжонланмай, қўркмай айтган вазифаларини бажарди.

Ўзбекистон халқ артиста Қахрамон Дадаевга доирани чалишни, унга эса айланишларни бажаришни буюрдилар. Флорида бир жойда ўнг ва чапга ҳамда уйғур рақсларида кўп учрайдиган “Шох” ҳаракати билан катта айлана бўйлаб айланиб берди. “Тановар”, “Андижон полкаси” мусиқаларига ва уйғурча рақсга тушди.

Шунда М.Турғунбоева: Флоридага юзланиб, “Мен сизларнинг диёрингизни жуда яхши биламан. Қашқар, Хўтан, Ёркент, Оқсув, Гулжа, Турпан, Шинжон автоном районига ўхшаш катта шаҳарларда бўлганман. Уйғур халқининг рақс санъати билан ҳам яхши танишман. Уйғур рақслари шўхлиги, нафислиги, силлиқлиги, хилма-хиллиги, кенг мазмун ва мураккаб ҳаракатларга бойлиги билан ажралиб туради. Мана, қизим ҳозир сен кўрсатган рақсингга қараб, мен бундан бир неча йиллар олдин кўрган уйғур рақсини яна бир бор кўз олдимга келтирдим. Чунки сен уйғур рақсининг атоқли раққосаси Қамбархонимнинг шогирди эканлиги шуни кўрсатиб турибди.

Агар ота-онанг қаршилик қилмасалар мен сенинг орзуларингни рўёбга чиқариш учун “Баҳор” ансамблига қабул қиламан” деб унинг тақдирини узил-кесил ҳал қилдилар. Ота-онаси қизига қаршилик қилмади ва унга оқ йўл тилади. Концертнинг учинчи куни кечқурун “Баҳор” ансамбли билан поездга ўтириб, Тошкентга катта санъат даргоҳига кириб келди. Ўзи учун бегона бўлган юртда, ота-онасидан йироқда янги ҳаёт бошлаган бўлсада, орзулари амалга ошаётганидан хурсанд эди. Устози М.Турғунбоева: “Сен ҳеч қачон бошингни эгмагин, ҳамиша баланд тутгин, чунки сен уйғур халқининг хурматига сазовор бўлган зиёлилар оиласи бўлмиш Абдулҳақ Мусабоевлар авлодидансан, олган тарбиянг, истеъдодинг, касбингга ва оилангга бўлган садоқатинг, тиришқоқлигинг, ҳақиқий меҳнатинг орқали ўз обрўйинга эга инсонсан”, дедилар.

Флорида ўзига ўхшаган рақс санъати шайдолари билан тезда киришиб кетди. Лекин, бу ерда талаб кучли бўлиб, пешона тери тўкилмаган жойда санъатнинг вужудга келиши мумкин эмаслигини яхши билган Флорида раққосалар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб, янада чиникди.

Флорида ансамблга келганидан сўнг биринчи ўрганган рақси бу устози ўзи ижро этган “Қашқар қизи” рақси эди. М.Турғунбоева уйғур рақсининг сеҳрли оламини айнан уйғур қизи ижросида кўра олдилар ва бу рақсни Флоридага инъом қилдилар. Дастлабки йилларда уйғурча рақсларни ижро этиб, кейинчалик устозининг жон куйдиришлари, моҳир раққосалар Равшаной Шарипова, Ноила Баширова, Раъно Низомова, Тамара Юнусова, Валентина Романоваларнинг ёрдами билан оммавий рақсларни ўрганиб олди ва тез орада яккахон раққоса сифатида кўзга кўрина бошлади. Ўша пайтларда репетитор бўлиб ишлаган Зуля Рахматуллаевадан рақсининг ижро маҳорати сирларини ўрганди.

“Устоз М.Турғунбоева жуда ҳам олижаноб меҳридарё инсон эдилар. 1966 йилнинг охири 1967 йилнинг бошида Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Малайзия ва Афғонистон бўйлаб уч ойлик гастрол сафарига кетиш учун ҳужжатлар тайёрлаш вақтида мени ҳам шу гуруҳга қўшганлар, аслида мен эндигина “Баҳор” ансамблига келганим учун гуруҳга кўшмасалар ҳам бўлар эди. Лекин М.Турғунбоева “Мен уни ёлғиз қолдириб кета олмайман, оқ пахтага ўрагандай олиб бориб, олиб келаман”, - деб мени ҳам шу гуруҳга қўшганлар ва менга “Сизни шунча талабгорлар орасидан танлаб олдим, энди ҳеч бўлмаса иккита рақсни тўлиқ ўрганиб олишингиз керак”, - деб ишонч билдирдилар. Рақсларни ўрганиш учун ишдан чиқиб йўлда, пиёда Чилонзордаги ётоқхонамизгача санок билан эслаб ўрганиб борар эдим. Ишда қолиб ишласам кеч бўлиб кетади, автобусда кўпчилик олдида ноқулай, кўчада эса ҳеч кимга эътибор бермай хаёлда санок билан рақсни ижро этиб борар эдим. Устозимнинг ишончини оқлаш учун ўз устимда тиришиб ишлаганман. Яккадан кўра оммавий рақсларни масъулият билан ижро этар эдим, чунки оммавий рақсдаги биттагина ҳаракат ҳам бутун ансамблга доғ бўлиши мумкин”, деб эслайди Флорида.

Устози Мукаррама Турғунбоева ўз шогирди ҳақида шундай дейди: “Флорида “Баҳор”га келиб қисқа давр ичида жуда кўп рақслар ўрганди. Бу қиз тиришқоқлиги, рақс ўрганишдаги сабр- матонати ва маҳорати, ўткир қобилияти билан менга жуда ёқиб қолди. Ансамблимиздаги бошқа қизлар қатори унинг ҳам ҳар бир оромбахш рақсларини томошабинлар завқланиб, ҳузурланиб, самимий олқишлар билан кутадиغان бўлдилар.”

“Баҳор” ансамбли Ф.Низамутдинова учун катта ҳаёт мактаби бўлди. У нафақат санъатда, балки шахсий ҳаётда эришган ютуқлари ҳам М.Турғунбоева кўрсатган барча ғамхўрликларнинг натижаси, деб билади. Устоз шогирдига ҳамма ишда бош-қош бўлиб, ота-она каби меҳрибончилик қилди. Қозоғизистондан Ўзбекистонга гостролга келган театр раҳбарларидан бири Флоридани ўз театрига ишга таклиф қилганида “Флорида ўзимизга ҳам керак”, деб рухсат бермаган. Уйғур қизининг Ўзбекистонга келиб қолиши, меҳрибон устози М.Турғунбоева уни ўз қанотлари остига олиши, ширингина оиласи ва севган касбига бўлган садоқати унинг буюк бахтидир.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодировани ҳам устозларим қаторига қўяман. Уйғурча рақсларни саҳналаштиришда, унга рақс либосларини танлашда фикрларини сўраб, берган маслаҳатларига

риоя қиламан. Ижодий ва шахсий ҳаётимда устозим М.Турғунбоева қаторида профессор Розия Каримова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодировалар ҳам мен учун бирдек жафо чекдилар. Ўзбекистонга келиб мен ўз бахтимни ва касбимни, касбим орқали эса хурмат-эътиборни топдим”, дейди фахр билан Ф.Низамутдинова.

Раққоса сифатида ансамблда фаолият кўрсатган даврида дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида ўзбек халқи рақс санъати қаторида “Гулойим”, “Қашқар қизи”, “Узум” каби уйғур халқ раҳсларини ҳам ижро этди. Бу йиллар давомида Мукаррамахоним, Қундузхонимлардан ўзбек миллий рақсларини ўрганиб, “Ўйнасин”, “Соқи номаи савти калон”, “Нодирабегим”, “Ларзон”, “Завқим келур”, “Катта ўйин”, қирғизча, покистонча, японча, арабча ва бошқа кўплаб миллатларнинг оммавий ва яққа рақсларини ижро этди.

“Баҳор” ансамбли ер юзидаги кўплаб халқларга ўзбек халқининг рақс санътини таништиришдек буюк ишнинг ижрочиси бўлган бўлса, бу ишда Ф.Низамутдинованинг ҳам ўзига яраша муносиб ўрни бор. Япония, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Финляндия, Норвегия, Германия, Венгрия, Югославия, Польша, Чехословакия, Тунис, Яман, Малайзия, Сингапур, Туркия, Хитой, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Россиянинг кўпгина ўлкаларида, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби қардош республикаларда ижро этилган рақслар ҳаммани бирдек ром айлади, десак муболаға бўлмайди.

Ф.Низамутдинова нафақат М.Турғунбоева раҳбарлигида ишлаган, балки унинг тарбиясини ҳам олган. Унинг олиб бораётган ижодий иш фаолиятидан, сахналаштирган рақсларидан устозининг иш услуби ва йўналишларидек бой мактабини тўлиқ ўзлаштириб олганини кўриш мумкин. Репетиторлик, балетмейстерлик фаолиятини олиб боришда Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, Ўзбекистон халқ артисти профессор Қундуз Миркаримова, Ўзбекистон халқ артиста профессор Бернора Қориева, Ўзбекистон халқ артасти Қодир Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшаной Шарипова ва Ҳавохон Азизовалардан олган билимлари кўмакка келди. “Баҳор” ансамблида репетитор, шу ансамбль қошида очилган студияда раҳбар бўлиб ишлади.

1979 йилда Б.Қориеванинг маслаҳати билан биринчи марта А.Навоий номидаги опера ва балет театрининг 12 та балеринасига “Гулойим” рақсини сахналаштирган. Болгарияда ўтган фестивалда

“Ялла” ансамбли ижросидаги бу кўшиққа қўйилган ушбу рақс яқунловчи бўлган. Украинанинг Харьков шаҳридаги циркда “1001 кеча” эртагининг бир кўринишида қўлда қилич ва бошда стаканлар билан арабча рақсни саҳналаштирган ва у ердаги балетмейстерларнинг эътиборини қозонган.

“Ўзбекистон Давлат рақс ансамбли” бош балетмейстери Қодир Мўминов Флорида ҳақида ўз фикрларини шундай изҳор қилдилар: “Мен Флориданинг ижодий фаолиятини жуда қадрлайман, чунки унинг “Баҳор” ансамблидаги фаолияти билан яхши танишман. Унинг нафақат раққосалик, балки балетмейстерликка ҳам юксак иқтидори ва қобилияти борлигини сезганим сабабли бир неча марта рақс саҳналаштириш ишларига чақирганман. Уни бу ишларга таклиф қилган вақтларимда “Сиздай тажрибали балетмейстерни ўз ишларим билан қойил қилдира олармиканман, сизга ишларим маъқул келармикан” деб андиша қилар эди. Флорида ишончимни оқлади.

У “Мустақиллик” байрамида ва бир нечта давлат тадбирларида йигит ва қизларга хитойча, уйғурча рақсларни саҳналаштирди. Айниқса, 2005 йилда Шанхай, Пекинда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари концерт дастурига киритилган ҳар хил рангдаги шарфлар билан саҳналаштирилган хитойча “Чархпалак” рақси хитойлик томошабинлар учун кутилмаган рақс бўлди. Чунки узбек раққосалари хитойча рақсга тушишлари бир томон бўлса, иккинчи томондан рақснинг саҳналаштирилиш услуби уларни лол ва ҳайрон қолдирди. Рақснинг ижроси бошлангандан то охиригача томошабинлар олқишлаб турдилар.

Флорида саҳналаштирган барча рақслар ҳамиша маъқул келган, рақс саҳналаштиришда унинг ўз услуби ва йўналиши бор. Ўзбек балетмейстерлари ва раққосалар томонидан ҳам унинг саҳналаштирган рақслари илиқ кутиб олинган.

Флорида раққосалик, репетиторлик, балетмейстерлик фаолиятида ҳамиша устози Мукаррама Турғунбоеванинг йўлидан борди, маҳорати ва ўзига талабчанлиги билан юксак натижаларга эришди.

1973 йилда “Баҳор” ансамблининг 4 та яққохон раққосалари билан биргаликда Берлин шаҳрида ўтган “Дунё ёшлари” студентларнинг X-фестивалида қатнашган ҳамда лауреат бўлиб қайтган ва шу йили Болгарияда Ёшлар фестивалида иштирок этган. Кўплаб давлат, хусусан, Маданият вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, совринларининг эгаси бўлган.

1991 йилда Ўзбекистонда таниқли ва тажрибали режиссёр Қўзибой Ҳақимов режиссёрлигида Флорида Низомутдинова ҳақидаги “Флорида” деб номланган телефильм суратга олинди.

1991 йилда Мустақилликнинг 1 йиллигини нишонлаш арафасида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлди. 1994 йилдан 2006 йилгача Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида “Шарқ гўзаллари” рақс ансамблининг балетмейстери бўлиб фаолият кўрсатди. У ерда турли шарқ халқларининг рақсларини саҳналаштириб, “Ўзбекистон Ватаним маним” кўрик-танловларида муносиб ўринларни эгаллаб келди.

Б.Р.Қориева “Ўзбектеатр”га раҳбарлик қилган даврда уларнинг тавсияси билан Туркияда бўлиб ўтган Халқаро фестивалларга икки марта жамоага раҳбарлик қилиб Анқара, Измир, Анталия, Адана ва бошқа кўплаб шаҳарларда концертлар бериб, у ерда мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди.

Флорида “Баҳор” рақс ансамблига келганидан ҳозирги кунгача Ўзбекистон халқ артистлари М.Эргашева, Қ.Дўстмуҳаммедова, Р.Султанова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ў.Муҳамедова, Г.Фозилжонова, З.Мадраҳимова, Г.Низомова, Г.Абдиева, О.Ёкубова, раққоса Ш.Фозилжоноваларга яққа рақслар, “Баҳор” ансамблига уйғурча “Қизлар қалби” деб номланган оммавий рақсни саҳналаштирди.

Флорида 1996 йилда “Мустақилликнинг 5 йиллиги” умумхалқ байрамида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова ижро этган “Дўлан” мақомига ҳамда хитойча, уйғурча рақсларни саҳналаштирган. “Ўзбекистон”, “Офарин”, “Сабо” каби профессионал рақс ансамблларига, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова, Азиза Ниёзметова, Феруза Жуманиёзоваларнинг яққохон концерт дастурларида яққа ва гуруҳли рақслар саҳналаштирди.

Тиниб-тинчимас, жонкуяр, ўз касбининг фидоийси бўлган Флорида Низомутдиновага тинчлик бермаётган навбатдаги иш - бу Ўзбекистонда уйғур рақс мактабини ўқитишни йўлга қўйиш бўлди.

“Ҳар бир халқ рақс мактабларининг бузилмаган ҳолда ўрганилиши ва ижро этилишини хоҳлайман. Шу маънода уйғур рақсини ҳам ўз маромига етказиб, унинг нозик сир-асрорларини тушунган ва билган ҳолда, уларнинг ўзаро фарқларини тўғри ажрата олиб ижро этилишини истайман”, дейди Ф.Низомутдинова.



Ф.Низомутдинова оилада қайнона-онасининг азиз келини, шифокор Ламитдин Низамутдиновнинг сеvimли рафикаси, олий маълумотли бир ўғил ва икки қизнинг меҳрибон онаси, ширин-шакар набира ва невараларнинг ширинсўз бувисидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ф.Низамутдиновани раққосалик, репетиторлик ва балетмейстерлик фаолияти билан ўзбек миллий рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз санъаткорлардан бири, десак янглишмаган бўламиз.

Уйғур халқ рақс санъати мактабининг асосчилари



Зайнаб Собит ва  
Диляра Маҳаммадимин



Холисхон Қодирова



Флорида Низомутдинова



Ўфиллой Муҳамедова



**Райхон Облиз**



**Зайнаб Сиддиқ**



**Ҳожи Раҳмон**




**Муҳаммад Довуд**



**Нахиса Абдурасул**



**Турсунной Иброҳим**



**Кураш Ражаб ва Дилнор Абдулла**